



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Маҳкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000


<b>1. Зайнаб Абидова</b> ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ.....	4
<b>2. Гулзода Алимова</b> АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
<b>3. Дилорам Бабажанова</b> АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	18
<b>4. Iqbol Jabbarova</b> QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI.....	26
<b>5. Дилнавоз Рахматова</b> “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ.....	33
<b>6. Сохиба Сулайманова</b> СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР.....	38
<b>7. Икромжон Умаров</b> СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	45
<b>8. Акмал Менглибоев</b> СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР.....	65
<b>9. Firyuza Muxitdinova</b> DUNYO OLIMLAR TANLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI.....	76
<b>10. Нигина Султонова</b> БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	83
<b>11. Одилжон Хамидов</b> БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	89
<b>12. Nodira Hasanova</b> SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI.....	95



**Акмал Менглибоев,**  
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР

**For citation:** Akmal Mengliboev. SOCIO-POLITICAL MEASURES TO TERMINATE THE NATIONAL LIBERATION MOVEMENT IN THE SURKHANDARYA DISTRICT. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.64-75

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217938>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Сурхондарё округида миллий-озодлик ҳаракатини тўхтатиш учун амалга оширилган ижтимоий-сиёсий чоралар ёритилган. Совет режими ўлкада тинчлик ўрнатгандан кейин, миллий озодлик ҳаракатига қатнашган барча кишиларни жиноий жавобгарликка торта бошлади. Даставвал ишни йирик давлат арбобларидан бошлашди. Эътиборли томони, ушбу иш Ўзбекистоннинг миллий зиёлиларга нисбатан уюштирилган энг йирик сиёсий жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан кўзланган мақсад – миллий кадрларни қўрқитиш, уларни совет мафкурасига бўйсундириш, бош тортганларни эса, аёвсиз йўқ қилиш эди. Мақолада бир қатор тадқиқотлар асосида эришилган натижалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Кўчаров Мустафоқулбек, «Эл оқсоқоли», ревком ходими, Қизил Армия, ОГПУ.

---

**Акмал Менглибоев,**  
преподаватель Деновского института  
предпринимательства и педагогики,  
доктор философии (PhD) по истории

## СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ МЕРЫ ПО ПРЕКРАТЛЕНИЮ НАЦИОНАЛЬНО-ОСВОБОДИТЕЛЬНОГО ДВИЖЕНИЯ В СУРХАНДАРЬИНСКОМ ОКРУГЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны общественно-политические меры, осуществленные для прекращения национально-освободительного движения в Сурхандарьинском округе. После того, как советская власть установила мир в стране, она начала преследовать всех, кто участвовал в национально-освободительном движении. Сначала они начали работу с видными государственными деятелями. Примечательно, что это дело является одним из самых крупных организованных политических процессов против национальной интеллигенции Узбекистана. Целью этого было запугать национальные кадры, заставить их подчиниться советской

идеологии и безжалостно уничтожить тех, кто отказывался. В статье освещаются результаты, полученные на основе ряда исследований.

**Ключевые слова:** Кочаров Мустафагулбек, «Эл аксаколи», сотрудник Ревкома, Красной Армии, ОГПУ.

**Akmal Mengliboev,**  
lecturer at the Denov Institute  
entrepreneurship and pedagogy,  
Doctor of Philosophy (PhD) in History

## SOCIO-POLITICAL MEASURES TO TERMINATE THE NATIONAL LIBERATION MOVEMENT IN THE SURKHANDARYA DISTRICT

### ABSTRACT

This article describes the socio-political measures taken to stop the national liberation movement in the Surkhandarya region. After the Soviet government established peace in the country, it began to persecute everyone who participated in the national liberation movement. First, they began working with prominent statesmen. It is noteworthy that this case is one of the largest organized political trials against the national intelligentsia of Uzbekistan. The purpose of this was to intimidate the national cadres, force them to submit to Soviet ideology and ruthlessly destroy those who refused. The article highlights the results obtained on the basis of a number of studies.

**Index Terms:** Kocharov Mustafagulbek, "El Aksakoli", an employee of the Revolutionary Committee, the Red Army, the OGPU.

### 1. Долзарблиги:

XX асрда Сурхондарё округида миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш ва унинг натижалари муҳим аҳамият касб этади. 1930 йилларда бутун мамлакатда бўлгани сингари, Сурхондарё округи ҳам янги сиёсий жараёнга тортилди. Бу тарихда жамоалаштириш номи билан кирди. ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «ялпи жамоалаштириш туманларида кулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» ги мудхиш қароридан сўнг янада кучайди. Бунинг натижасида, XX асрнинг биринчи ярмида Сурхондарё округини сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг турли жиҳатларини ҳар томонлама ва комплекс ўрганиш мумкин.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси.

Мазкур мақолада қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун, тарихий ҳодисаларнинг сабаб-оқибатлари муносабатларини кўриб чиқиш ва ривожланишнинг асосий босқичлари аниқлангандан сўнг барча жараёнларни кўриб чиқишни талаб қилувчи тарихийлик, объективлик, тизимлилик каби асосий методологик тамойиллардан фойдаланилди. Тарихий маълумотлар, далиллар, ҳодисалар ва воқеаларни ёритишда тарихий таққослаш ва мантикий умумлаштириш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилди.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Совет режими ўлкада тинчлик ўрнатгандан кейин, миллий озодлик ҳаракатига қатнашган барча кишиларни жиноий жавобгарликка торта бошлади. Даставвал ишни йирик давлат арбобларидан бошлашди. Чунончи, 1927 йилнинг март ойида очилган 141/1–сонли жиноят иши бўйича Сурхондарё вилоятининг 20 нафар обрўли давлат ва жамоат арбоблари ҳамда мусулмон отрядлари бошлиқлари Кўчаров Мустафокулбек кўрбоши билан алоқадорликда айбланиб қамоққа олинган. Эътиборли томони, ушбу иш Ўзбекистоннинг миллий зиёлиларга нисбатан уюштирилган энг йирик сиёсий жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан кўзланган мақсад – миллий кадрларни кўрқитиш, уларни совет мафкурасига бўйсундириш, бош тортганларни эса, аёвсиз йўқ қилиш эди.

Қамоққа олинганлар орасида Норбоев Мирзо Турсун ҳам бор эди. У 1898 йилда Шеробод шаҳрида туғилган. 1925-1926 йилларда Сурхондарё вилоят ер қўмитасининг мудирини. 1927 йилда Сурхондарё вилоят ижроия қўмитасининг Раиси, Ўзбекистон ССР Марказий

Ижроия Қўмитаси аъзоси. Сурхондарё округ бошқармасининг иқтисодий ва молиявий масалалари бўйича ўринбосари. «Эл оқсоқоли» деган номга сазовор бўлган. 1927 йили миллий кучларга ёрдам берганликда айбланиб, қамокқа олинган[1].

1927 йил март ойида ЎзССР Олий Суди сессияси Шеробод шаҳрида айбланувчи кўрбоши Мустафоқулбек Кўчаровнинг ЎзССР ЖКнинг 78-модда, 1-бандида кўрсатилган жиноятлари бўйича ишни кўриб чиқди.

Суд йиғилиши жараёнида Мустафоқулбекнинг қуйидаги кўмакчилари бўлганлиги аниқланди, булар:

1. Мардоннакул Хидиров — Қумқўрғон ревкоми
2. Муҳаммади Тўқсабо
3. Мардонакул — мусулмон отряди командири
4. Мирза Бозор қоровулбеги — мусулмон отряди командири
5. Эшниёз[2] — бойсунлик
6. Бойбўлхўжа Қиёмхўжаев — Қорабоғ қишлоғининг милиция бошлиғи
7. Холиёр Жалоиров — ревком ходими
8. Мулла Чори Қувватов
9. Очилди Ноиб
10. Дониёр Чориев — Пошхурд ревкоми раиси
11. Мирза Турсун Норбоев
12. Мулла Худойкул
13. Уста Юсуф Авазбадалов
14. Мулла Тўракул Қахҳоров
15. Мулла Норбой Мақсудов — Юрчи шаҳар ревкоми раиси
16. Эшонкул Ҳалимов
17. Нуриддин қоровулбеги Абдузоиров
18. Карим Эшмуродов
19. Шомурод Жумаев
20. Жонноиб Имонкулов[3]

Мустафоқулбек Кўчаров сўзлари асосида улар қуйидагича ёрдам кўрсатишган:

1. **Мардонакул Хидиров** — Қизил Армия қисмларининг жойлашуви тўғрисида хабар етказиб турган;

2. **Муҳаммади тўқсабо** — шундай мазмундаги хабарларни етказиб турган

3. **Мардонакул** — кўмирчи орқали Хуррамбекка хат, 125 та милтиқ ўқи юборган, Алимардон исмли кимсани 2 ой мобайнида қамокда сақлаб, уни хат ва 180 та ўқ билан Хуррамбекка жўнатган[4].

4. **Мирза Бозор қоровулбеги** — Хуррамбекка хат ва 225 дона ўқ жўнатган. Хатда «хукуматга таслим бўлманг» дейилган, бу хат ГПУ га етказилган, иккинчи хат ва 100 дона ўқни Мирза Остонақулов орқали Мустафоқулга юборган. Бундан ташқари, бошқа кўрбошиларга ҳам ёрдам берган.

5. **Эшниёз** — Амирдан[5] қочган милиционерларни тутиб, қуроллари билан Мустафоқулга топширган яна укаси Раҳмон орқали 3 та милтиқ ва 2 дона қилич бериб ҳам юборган. Бундан ташқари, Раҳмоннинг айтишича, Эшниёз Асадуллабекка[6] 5 та қилич, 5 та милтиқ ва ўқлар юборган. 1925 йилда Эшниёз Хуррамбекка 100 олтин танга ва хат йўллаган, бу ҳақда Хуррамбек барча йигитларига айтган. Мулла Абдуазим Махсумов орқали Хуррамбекка 800 танга ва 6 тўн юборган[7].

6. **Бойбўлхўжа** — Қорабоғ қишлоғи аҳолиси ва Назир жевачи орқали Мустафоқулбекка 350 дона ўқ ва хат йўллаган. Буларнинг барчасини Мустафоқул Бедақ[8] қишлоғида олган.

7. **Холиёр Жалоиров** — укаси орқали 2 дона ½ бўлак мато жўнатган бўлиб, бу ҳақда Тожи Сатторов ва Истара қишлоғининг бошқа аҳолиси ҳам билишади. Жўра полвон орқали Қизил Армия қисмларининг жойлашуви тўғрисида хабар жўнатган.

8. **Мулла Чори Қувватов** — Обил орқали Мустафоқулбекка 1 та милтиқ, 145 дона ўқ, 2 та тўн жўнатди, буларни Хўжайпок қишлоғида олди, буни Тожи Сатторов ва бошқалар ҳам

тасдиқлаши мумкин. Унинг ўзи Эргаш Полвон орқали Мустафоқулбекка 500 танга, Бобо тўксабо орқали эса 2 туя юборган.

9. **Очилди ноиб** — Эргашдан Мустафоқулга 2 та от, 600 танга ва 2 та тўнни совға тариқасида юборган, буни гувоҳлар: Қора Али полвон ва Умбар тасдиқлашлари мумкин, шунингдек, 15 бўлак мато ва 12 жуфт этикни ҳам берган[9].

10. **Дониёр Чориев** — Мустафоқулга хат, Мулла Ҳайитдан 4 та ½ бўлак мато юборган, 1925 йил бошида қамбағал деҳқон орқали Хўжаулкан[10] қишлоғига 8 бўлак ипак, 12 фунт[11] шакар, 1 жуфт этик юборган. Мустафоқул (деҳқонни) сотиб қўйишидан кўриб, уни камокка олмоқчи бўлганида унинг кафиллигини олишган. Мустафоқул Кўхитангда бўлганида Қизил Армиянинг ҳаракати тўғрисидаги даракларни унга Чориев етказиб турган.

11. **Мирза Турсун Норбоев** — 1925 йилда Мустафоқулга 2 та ½ бўлак мато, 8 бўлак ипак, 4 та чопон, 4 та камзул, 2 та ипак чалма (салла), 1 та наган, 6 дона ўқ ва (ГПУ га топширилган) хат йўллаган.

12. **Мулла Худойқул** — Истара қишлоғидан Мустафоқул олдига келиб, Абдурахмон билан бирга 6 фунт чой, 6 фунт шакар берган, Йўлдошхўжа Азизхўжаевдан 200 танга, 2 тўн, 1 жуфт этик ва хат бериб юборган, у билан бирга Хўжа Назар ҳам бўлган. Унинг ўзи Ўтанбекка 200 танга, 6 фунт чой ва 6 фунт шакар жўнатган[12].

13. **Уста Юсуф Авазбадалов** — Қора Али Полвон орқали Мустафоқулбекка 3 бўлак мато, 4 та дўппи ва 133 та ўқни юборган, уларни Мустафоқулбек Майдон[13] қишлоғида қабул қилган.

14. **Мулла Тўрақул Қаҳҳоров** — укаси билан бирга Тагишкан деган жойда Мустафоқулга 200 дан ортиқ ўқ, 600 танга, 6 фунт чой, 2 жуфт этик, 2 камзул ва хат юборган. Иккинчи марта 250 танга, 2 бўлак мато, 2 камзул жўнатган, буларни Мустафоқул Тозабуюқ қишлоғида олган. 1925 йилда Қаҳҳоров 400 танга, 2 камзул, 2 жуфт этик юборган. Ҳамза тўксабонинг йигити кетаётган Қаҳҳоровнинг отини олиб қўйган ва Қаҳҳоров Мустафоқулга отни қайтариш тўғрисида хат ёзган, бунинг учун буюмлар ва пуллар жўнатиб турган.

15. **Мулла Норбой Мақсудов** — 1923 йилда отаси орқали Мустафоқулга 2 та пўстин, 2 жуфт чойшаб, 2 жуфт этик, 1 та наган жўнатган ҳамда Сариосиё гарнизони унга қарши чиққани ҳақида хабар берган. Унинг ўзи Қамар Тўрабек орқали Хуррамбекка 1 та милтиқ ва 1 та наган бериб юборган[14].

16. **Эшонқул Ҳалимов** — ўзининг чопағони Ҳусайнов орқали Мустафоқулга 2 та милтиқ, 2 та қилич, 777 та ўқ берган, буларни у Ҳайитбекка етказган. 1924 йилда у Чориев орқали Боботоғда турган Хуррамбекка 2 та наган ва унинг 60 дона ўқи, 1100 дона милтиқ ўқи, 1500 олтин сўм, 10 жуфт этик, 25 бўлак ипак ва хат юборган, бунинг эвазига Хуррамбек Чори орқали Ҳалимовга 24 бош сигир ва 60 қўй берган. Бундан ташқари, Хуррамбек хат ёзиб, унда Ҳалимовнинг мулки босмачилар томонидан тортиб олинмаслиги тўғрисида маълум қилинган.

17. **Нуриддин қоровулбеги Абдузоиров** — Хуррамбекка битта олтин юритилган юган, битта жул[15], битта мусулмонча қилич ва 60 дона ўқ юборган.

18. **Карим Эшмуродов** — Эргаш полвон орқали Мустафоқулга 2 та хат, 2 та дўппи бериб юборган. Устонбек сўзларига кўра, 250 рублга 1 та милтиқ ва 15 та ўқ сотган. Бундан ташқари, Жўра тўксабо орқали Ўтанбекка 350 та ўқ бериб юборган. Қора Али 25 йигити билан таслим бўлганида, Эшмуродов уни кўриб, таслим бўлгани учун урушиб берган ва таслим бўлганларни барибир отиб ташлашларини ҳамда Қора Алига худди шундай таслим бўлган Эргашбекни ўлдириб, босмачилар олдига қочишни маслаҳат берган ва Қора Али айнан шундай қилган ҳам[16].

**Шомурод Жумаев** — укаси билан бирга Мустафоқулга хат ва 4 пачка ўқ жўнатган. Ўзининг хатида у Мустафоқулни тўйга чақирган. Бу 1924 йилда бўлиб ўтган. Мустафоқул эса Жумаевни танимади[17].

Гумонланувчи Мирза Турсун Норбоевга нисбатан Мустафоқулга кўмакчилик қилганлик бўйича қўйилган айблов эса, охиргининг сўзларидан келиб чиқиб, яъни, 1925 йили Норбоев Мустафоқулга 2 та ½ бўлак мато, 8 бўлак ипак мато, 4 та чопон, 4 та камзул, 2 та ипак

чалма, битта наган ва 6 дона ўқ юборган, лекин гувоҳлар бўлмаганлиги сабабли тасдиқлаш иложи бўлмаган[18].

1927-1935 йилларда Сурхондарё округида миллий озодлик ҳаракатига ёрдам берган кишилар устидан бир нечта очик суд жараёнлари бўлиб ўтди. Бу жараёнлар миллий кучларни обрўсизлантириш, аҳолини улардан йироқлаштириш, ўлкада совет режимини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган эди. Қуйида ушбу йилларда суд жавобгарлигига тортилган айрим юртдошларимиз ҳақида маълумот берамиз.

**Ёрматов Тошбой мирохур** — 1863 йилда туғилган. Сариосиё тумани Сангардак қишлоқ кенгашидаги Чакана қишлоғида яшаган. Ўзбекларнинг қатағон уруғидан бўлган. Амир даврида Денов беги Субҳонкулибек томонидан аввал жевачи, сўнгра мирохур лавозимига тайинланган. Одина, Ашур, Чори, Иброҳим исми 4 ўғиллари бўлган. 1927 йил 13 июнда ОГПУнинг Денов ва Сариосиё бўйича вакили Боймуротов буйруғи билан қамоққа олинган. Ёрматов Тошбой мирохур ЎзССР ЖКнинг 77-модда 1- ва 2-қисмга асосан 1922 йилдан бошлаб совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Муҳиддин кўрбоши, Соҳиб командир, Турди тўқсабо ва Хуррамбекка моддий жиҳатдан ёрдам бериб келганликда айбланган. Худди шундай айблов унинг 1901 йилда туғилган ўғли Тошбоев Ашурга ҳам кўйилган. 1927 йил сентябрда 1-сонли иш бўйича Сурхондарё округ суди чиқарган ҳукмга асосан уларнинг ҳар бирига 10 йилдан қамоқ жазоси тайинланган[19]. 1928 йил охирида унга тегишли бўлган мол-мулк мусодара қилинган[20].

**Мусаев Курбон** — 1871 йилда Денов туманидаги Қоровултепа қишлоғида туғилган. 1927 йил март ойида қамоққа олинган. 104-сонли жиноят иши бўйича: Иброҳимбек ва Ҳайитбекни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганликда айбланган.

1927 йил 3-июнда Сурхондарё округ судининг қарори билан ЎзССР ЖКнинг 77-модда 2-бандига кўра 8 йил озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинган. 1927 йил 6 октябрда Ўзбекистон Олий суди кассация ҳайъати унинг аризасини ўрганиб, 5 йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган. Қамоққа олиш вақти 1927 йил 25 мартдан бошлаб ҳисобланган[21].

Йирик суд жараёнлари ва бошқа сиёсий тadbирларнинг ўтказилишига қарамай, Сурхондарё округида қаршилиқ ҳаракатини тўхтатишнинг иложи бўлмади. Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, 1928 йил 1-17 апрел оралиғида Амударёдан Сурхондарё округига Саҳат Жумаев, Дониёр Умаров, Ўтанбек, Мирза полвон тўдалари ўтиб олиб, бир қатор ҳудудларга ҳужум қилишди. 9 апрелга ўтар кечаси Чорвоққориз қишлоғи яқинида Мацкевич бошчилигидаги отряд тоғдан нон олиш учун тушиб келган Дониёр Умаровнинг укаси Сафар Умаровни қўлга олди. 11 апрелга ўтар кечаси Мацкевичнинг милиция отряди Шезарабодсой қишлоғи яқинида, дара ичида Дониёр Умаров ва Аллаёр Турсаҳатовни қўлга олди. Улардан икки қилич, бир «наган» тўшпончаси (учта ўқи билан), 4 та патронтаж, 256 дона милтиқ ўқи ва 2 от тортиб олинди. Қолган гуруҳлар қочиб кетишга муваффақ бўлишди[22].

1928 йилнинг 10 апрелида Ўтанбек 3 нафар йигити билан Амударёдан ўтиб, Термиз-Шеробод-Жаркўрғон оралиғида ҳаракатланди. 13 апрелда Янгиариқ (Саят) қишлоғига келганда унинг йигитлари сони 30 тага етди. Аммо бу ерда узоқ қололмади. Милиция, чегарачилар ва 81-кавалерия полки аскарлари сиқуви остида Боботоғга ўтиб кетди[23]. 11 июлда эса Жиликўл шаҳри яқинида 15 нафар йигити билан Амударёдан ўтди. Чегара заставаси бошлиғи Архангельский ўз кучлари билан уни мағлуб этиб, яна Афғонистонга қайтишга мажбур қилди.

1928 йил август ойининг охирида Ўтанбек 170 йигити билан ҳозирги Тожикистон ҳудудига ўтиб олди. Масленников бошчилигидаги отряд 31 августдан 10 сентябрга қадар Ўтанбек йигитлари билан жанглар қилди. Устунлик қизил аскарлар томонида бўлганлиги учун Ўтанбек яна ортига қайтишга мажбур бўлди[24].

Бундай тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб турар, миллий кучларни амир амалдорлари, рухонийлар, йирик бойлар ва савдогарлар қўллаб-қувватлар эдилар. Шу боис озодлик ҳаракати иштирокчилари 1929 йилга қадар кўкқисдан пайдо бўлиб қолар, қизил аскарлар уларни қўлга ололмай хуноби чиқар эди. Оқибатда халқ хўжалигини тиклаш ишлари анча

сустлашди. Шунинг ҳисобга олган совет ҳукумати меҳнат қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимлари етарли бўлмаган меҳнаткаш халққа текин ер-мулк ва бошқа ваъдалар бериб, уни ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилди.

Совет давлати озодлик ҳаракатининг иқтисодий илдизини қирқиш учун ер-сув ислохотлари ва жамоалаштириш сиёсатини ўтказишга киришди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан 1928 йил 1 ноябрда 192-сонли «Йирик бойларнинг ердан меҳнатсиз фойдаланишини тугатиш тўғрисида»ги декрети қабул қилинади. Унга кўра, Сурхондарё округида йирик бойлар, амир амалдорлари ва руҳонийларнинг 20 гектардан ортиқ суғориладиган ерлари ва лалми ерларнинг 45 гектаридан ошқичаси тортиб олинган бўлди[25].

«Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округларида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатишни ўтказувчи органлар тўғрисидаги Низом»да кўрсатилишича, ер-сув ислохотини Наркомзем (Ер ишлари бўйича халқ комиссарлиги), округ ижроия қўмиталари қошидаги Округ Ер Комиссияси, туман ер комиссиялари ўтказиши белгиланди[26].

Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округларида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатиш тўғрисидаги декретни жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган йўриқномада шундай кўрсатма берилди:

Помешчик типидagi йирик бой хўжаликларини тугатишда барча ерларни, шу жумладан, дарахтлар, экинзорлар, боғлар ва шу қабилар, ушбу ерда жойлашган барча иморатлар ва қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги бинолар (омборхоналар, қўтонлар, чиғирлар, кўрғончалар, қудуқлар ва ҳқз.лар), шунингдек, мусодара қилинадиган ердаги тегирмонлар ва бошқа қурилишлар ҳамда қишлоқ хўжалик саноатининг ёрдамчи ускуналари тортиб олинади. Уларга фақат турар-жойи қолдирилади. Шаҳар ичидаги иншоотлар ва қорхоналар тугатишга киритилмайди. Агар тугатиладиган хўжалик эгаси атрофдаги аҳоли учун зарар келтирувчи шахс сифатида тан олинса, уни сургун қилиб, мол-мулки ва уй-жойлари тўлиғича тортиб олинади[27].

10 кишидан ортиқ киши яшайдиган катта оилаларга имтиёз берилиши кўзда тутилди. Бунда ушбу оила аъзоларидан бирон киши дала ишларига доимий жалб қилинган бўлсагина ушбу тоифага киритилди. Мазкур оилаларга туманда белгиланган миқдордаги ер қолдирилиши белгиланди.

Йўриқномада бутунлай тугатилиши лозим бўлган хўжаликлар аниқ белгилаб берилди.

Собиқ Бухоро амирлиги бўйича:

А) марказий маъмурият бўйича – қўшбеги, тўпчибоши, лашкарбоши, хазиначи, удайчи, девонбеги, мирипоян, закотчи, раис, миршаб, амлокдор, жамоа, қозикалон, бий, додҳо, тўқсабо, шайхулислом, муфти, аълам ва охун;

Б) вилоятлар маъмурияти бўйича – беклар, кўрғонбегилар, қози, раис, амлокдор, оғалик, ясовулбоши, қоровулбеги, мирохур, тўқсабо, бий, судур, садр, ўроқ, муфтий, аълам, мударрис, кўп муридларга эга эшонлар, туман марказларида яшовчи хатиблар.

Собиқ Хива бўйича: – маҳрам, ясовул, қарвонбоши, қўшбеги, девонбеги, қозикалон эшон, аълам эшон, муфтий эшон, қозийўрда эшон, исломхўжа ва қанахўжа[28].

Юқоридагилардан келиб чиқилса, ислохотга сиёсий тус берилганлиги аён бўлади. Сўнгги тадқиқотлар совет режимининг ер-сув ислохотларини ўтказишдан олдин қатағон қилиниши лозим бўлган кишиларнинг рўйхати ва уларнинг тавсифномасини тузиб чиққанлигини кўрсатди. Эътиборли томони, бу рўйхатлар сир сақлаш тамғаси остида тузилган эди. Қуйида ана шундай тавсифномалар битилган кишилар ҳақида маълумот бериб ўтамиз:

Эгамбоев Нормурод қоровулбеги – Мангузар қишлоғида яшайди. Босмачиликка кўмак берганликда гумон қилинган. Чегара ортида алоқаси бор. Совет ҳокимиятига нисбатан душман муносабатда[29].

Оллоқул Ғаффорхўжаев - Паттакесар қишлоғида яшайди. Йирик бой. Босмачилик ҳаракатида қатнашган. Кўрбошилар билан алоқада бўлиб, тўдани бошқарган. Обрўга эга эмас. Совет ҳокимиятига нафрат билан қарайди[30].

Мулла Курбон Нормуродов – имом, халфа ва ижарачи. Амир даврида Эски Бухоро шаҳрида 10 йил ўқиган. 1924-1925 йилларда Полвон эшон кўрбоши босмачиларига ёрдам қилиб, мухр тайёрлаган ҳамда озиқ-овқат билан ем-хашак йиғиб берган. Совет ҳокимиятига нисбатан иккиюзлама муносабатда. Жаркўрғон қишлоғида яшайди ва ижарачилик билан шуғулланади[31].

Мулла Тангри Худоёров – имом. 1924 йилда Ўтанбекнинг босмачилар шайкасида бўлган ва бир ярим ой мобайнида котиб ишини бажарган, шундан сўнг таслим бўлган. Совет ҳокимиятига нисбатан иккиюзлама муносабатда. Айни вақтда Жаркўрғон қишлоқ кенгашида котиб бўлиб хизмат қилмоқда[32].

Мулла Ражаб Абдуллаев – имом. Амир даврида эски усул мадрасасида 10 йил ўқиган. 1924-1925 йилларда Полвон эшон босмачиларига кўмакдош бўлган, озиқ-овқат ва ем-хашак етказиб турган. Айни вақтда Жаркўрғон Сув ширкатининг раиси бўлиб ҳисобланади[33].

Мулла Эсанқул Хушматов – мударрис ва имом. Совет ҳокимиятига нисбатан душман муносабатда. 1923 йилда босмачилар кўрбошиси Тангрибекка камзул совға қилган. Афғонистоннинг Чордор қишлоғида кичик укаси Маҳман яшайди. Табиблик билан шуғулланади ва Жаркўрғондаги катта масжидда имомлик қилади. Тўпқора қишлоғида яшайди[34].

Мирзақанд Ғаниев – эшон. Совет ҳокимиятига муносабати яхши. Босмачиликка кўмак берганликда айбланиб 1 йил давомида Сурхондарё округ ОГПУ қамоғида ўтирган. Сурхондарё округидан ташқарига чиқиб кетмаслик тўғрисида тилхат бериб озодликка чиққан. Муридларга эга эмас, деҳқончилик билан шуғулланади. Тактўқай қишлоғида яшайди[35].

Мулла Умар Жумаев – имом. Эшакўлди қишлоғида 20 таноб, Занг Хўжақияда 70 таноб, Занг Кенжа Оғалик ва бошқа жойларда 90 таноб, жами 180 таноб ери бор. Инқилоб даврида Тўхтамишбек босмачилари тўдасига кўмакчи бўлган. Совет ҳокимиятига нисбатан душман муносабатда, бошқа фамилия остида аксилсовет унсурни яширишга уринмоқда. Советларга қарши тарғиботни ўтказган ва ҳозир ҳам ўтказмоқда. Диний маросимлар билан одамлар онгини заҳарламоқда, мағлубиятчилик қарашларига эга. Унинг ўзи қазаёкли уруғини бошқармоқда. Афғонистонда босмачилардан кўрбоши Қарали деган қариндоши бор. Хўжақия Занг қишлоғида яшайди, сургун қилиниши керак[36].

Жўра мирохур – Совет ҳокимиятига нисбатан жуда душманона муносабатда. Ҳайитбек ва Бекмирзанинг босмачи тўдаларига кўмак бериб юрган. 1923 йилда Бозор Қақайди қишлоғида битта қизил аскарни ўлдириб, унинг милтиғини ўқлари билан тортиб олган. 1924 йилда Туркияга яширинган. Айни пайтда Маккада бўлиб, ўтмишдаги барча ишлари учун авф этилишини сўрамоқда. Унинг ўзи улус уруғини бошқаради. Амир амалдорларидан – Қумқўрғонда Юсуф мирохур, Денов туманидаги Қоровултепа қишлоғида Нормат мирохур каби дўстлари бор[37].

Абрай Чонов – бой. Минорда – 105 таноб, Лайлаганда – 40 таноб, Зангда – 40 таноб ва Жаркўрғонда – 15 таноб, жами 200 таноб ерга эга. Инқилоб даврида ва инқилобдан кейин ҳожилар гуруҳида бўлиб, большевизмга қарши кураш олиб борган. 1925 йилда Ўтанбек босмачиларининг кўмакчиси бўлган ҳамда озиқ-овқат, ем-хашак ва солиқ тўплашда ёрдамлашган. Ерда ўзи ишламайди, аксинча уни шерикчилик асосида, ўзи учун қулай шартларда, худди судхўрдек ижарага беради[38].

Тошбой тўқсабо Ортиқниёзов – мирохур, туркманжузнинг жилонтамғали уруғидан. Мирохур унвонини қоровулбегининг ўғли сифатида наслий мерос бўйича олган. Инқилоб вақтида Бухоро амирини кўриклаш учун Бухорода қизилларга қарши жангларда бўлган. 1922 йилда Рўзибекнинг амлоқдори бўлган, ундан Анвар Пошонинг тўқсабоси унвонини олган ва 1926 йилга қадар нуфузли кўрбошилар: Хусайн командир, Нурматбек, Маҳмуд Качай, Норқобилларнинг йирик кўмакчиси бўлиб, отлар, ем-хашак, чопон ва бошқа нарсалар билан ёрдам қилган. Совет ташкилотларида хизмат қилмаган. Айни пайтда ўзининг яқинлари орасида катта обрўга эга бўлиб, уларнинг сони 300-400 ўтовдан иборат. Шундан 8-10 нафари амир амалдорлари ва (кўзга кўринган) бойлар унинг таъсири остидадир.

Совет ҳокимиятига нисбатан душман кайфиятда. 1927/1928 йилларда қишлоқ хўжалик солиғини яширишга уринмоқчи бўлганида аниқланган. Денов туманидаги Култепа қишлоғида яшайди. Душанбе, Термиз ва Бойсун билан алоқалари бор, деҳқончилик билан шуғулланади. 500 кўй, 15 йирик шохли қорамол, 4 хўкиз, 4 та от, 80 таноб ерга эга[39].

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қиладиган бўлсак, мустабид тузум сиёсий мафкурасининг асл кийёфасини турли йўналишлар, хийла-найранглар билан яширишга уруниб, ўзбек миллатининг кўзга кўринган фидоийларини йўқ қилиш, қириб ташлаш билан шуғулланиб, қатағонлик усулини кенг қўллади. Советларнинг Ўзбекистон сингари миллий республикаларга нисбатан ўтказган шовинистик сиёсатининг фожеаларидан бири шу бўлдики, улар 1928-1929 йилларда ер-сув ислохотини ўтказиш бахонасида қишлоқларда янги ижтимоий зиддиятлар келтириб чиқаришга эришди. Бу ислохот туфайли ер-сув ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари миллат бойларига қарашли ерлар мусодара қилинди. Миллий-озодлик ҳаракати тўлқинини пасайтиришга эришди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 74-79 варақлар (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, pages 74-79).
2. Эшниёз командир (Эшниёз Амин Юнусов) ҳақида сўз кетмоқда (We are talking about Eshniyoz commander (Eshniyoz Amin Yunusov)).
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 75 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, 75 sheets).
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 295 варақ ( State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 1, 295 sheets).
5. Амир Саййид Олимхон назарда тутиляпти (Amir Sayyid Alim Khan is meant).
6. Лақайлик кўрбоши, Иброҳимбекдан кейинги ўринда турган. 1925 йилда ҳалок бўлган (The guard of Lakaylik, who was next to Ibrohimbek. He died in 1925).
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 76 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, 76 sheets).
8. Шеробод туманидаги қишлоқ, Хатакдан 5 км жануби-шарқда жойлашган (A village in Sherabad district, located 5 km southeast of Khatak).
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 77 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, 77 sheets).
10. Шеробод туманидаги қишлоқ. Ғуржак яқинида жойлашган ( A village in Sherabad district. Located near Gurjak).
11. Савдода 0,4536 кг га тенг оғирлик ўлчови ( A measure of weight equal to 0.4536 kg in trade).
12. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 78 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, 78 sheets).
13. Шеробод туманидаги қишлоқ. Қорабоғ яқинида жойлашган (A village in Sherabad district. Located near Karabakh).
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 79 варақ. (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, sheet 79).
15. Отнинг ёпинчиғи (Horse cover).
16. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 296 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 1, 296 sheets).
17. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 298 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 132, 298 sheets).
18. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 299 варақ (State archive of Surkhondaryu region, fund 96, list 1, case 1, 299 sheets).
19. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 122-фонд, 1-рўйхат, 197-иш, 6-9 варақлар (State archive of Surkhondaryu region, fund 122, list 1, case 197, sheets 6-9).

20. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 641-иш, 3 варақ (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 641, 3 sheets).
21. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 122 фонд, 1-рўйхат, 127 дело, 58-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 122, list 1, file 127, page 58).
22. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 5-7-варақлар. (State archive of Surkhondarya region, fund 96, list 1, case 124, sheets 5-7).
23. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 6-варақ.(State archive of Surkhondarya region, fund 96, list 1, case 124, sheet 6.)
24. Пограничные войска СССР. 1918-1928. Сборник материалов и документов. –Москва: Наука, 1973. –С. 724-725. (Border troops of the USSR. 1918-1928. Collection of materials and documents. -Moscow: Nauka, 1973. -P. 724-725.)
25. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 790-иш, 12-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 790, sheet 12).
26. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 9-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 423, sheet 9)
27. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 1-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 423, sheet 1.)
28. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 2-3-варақлар. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 423, sheets 2-3.)
29. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 308-иш, 4 варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 308, 4 sheets).
30. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 307-иш, 8-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 308, sheet 8.)
31. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 21-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 21)
32. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 22-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 22.)
33. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 22-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 22.)
34. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 22-варақ.(State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 22.)
35. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 24-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 24).
36. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 24-варақ ( State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 24.)
37. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 31-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 31).
38. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 35-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 635, sheet 35.)
39. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 638-иш, 7-варақ. (State archive of Surkhondarya region, fund 76, list 1, case 638, sheet 7).
40. Асанов Г. Набихонов. М, Сафаров Н. “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси” –Т.: Ўқитувчи, 1994. -109 б. (Asanov G. Nabikhanov. M, Safarov N. "Economic and social geography of Uzbekistan" - Т.: Teacher, 1994. -109 p.)
41. Алимova Д.А., Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. –Т.: Академия, 1999. -52 б. (Alimova D.A., Rashidova D.A. Mahmudhoja Behbudi and his historical thinking. -Т.: Academy, 1999. -52 p.)
42. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. –Т.: Шарқ, 2003. -238 б. (Alikhantora Soguni. The grief of Turkestan. -Т.: Sharq, 2003. -238 p.)
43. Аъзамхўжаев Саидакбар. Туркистон мухторияти. -Т., Маънавият, 2000, 16 б. (Azamkhozhaev Saidakbar. Autonomy of Turkestan. -Т., Spirituality, 2000, 16 p.)
44. Генис В.Разгром Бухарского эмирата в 1920 году. “Вопросы истории» 1993, №7, стр. 49-

- 50 (Genis V. Defeat of the Emirate of Bukhara in 1920. "Questions of History" 1993, No. 7, pp. 49-50)
45. Деятельность коммунистических партий республик Средней Азии и Казахстана в современных условиях. –Т. Узбекистан, 1984. -404 с. (The activities of the communist parties of the republics of Central Asia and Kazakhstan in modern conditions. -T. Uzbekistan, 1984. -404 p.)
46. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш, -Т.: Университет, 1999. -218 б. (Modernism: struggle for reform, renewal, independence and development, T.: University, 1999. -218 p.)
47. Зиёева Ҳ. Истиқлол-маънавият негизи. –Т. Маънавият, 1999. -188 б. (Ziyoeva H. Independence is the basis of spirituality. -T. Spirituality, 1999. -188 p.)
48. Завелев А.Н. Из Истории Гражданской войны в Узбекистане. –Т. Узбекской ССР, 1959. -605 с. (Zavelev A.N. From the History of the Civil Wars in Uzbekistan. -T. Uzbek SSR, 1959. -605 p.)
49. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти –Т.: Ўқитувчи, 1994. -116 б. (Tokhliev N. Economy of Uzbekistan - T.: Teacher, 1994. -116 p.)
50. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т.: Шарқ, 2001, -220 б. (Essays on the history of the statehood of Uzbekistan. - T.: Sharq, 2001, -220 p.)
51. Қуллиев Х. Мустабид давлат мафқураси. –Т.: А.Қодирий, 1997. -63 б. (Kulliev Kh. The ideology of a stable state. - T.: A. Qadiri, 1997. -63 p.)
52. Турсунов М.Т. Денежное обращение в Туркестанской АССР в период гражданской войны (1917-1921гг.)- -Т: Госиздат УЗ ССР, 1950. -108 с. (Tursunov M.T. Monetary circulation in the Turkestan ASSR during the civil war (1917-1921) - - T: State Publishing House of the UZ SSR, 1950. -108 p.)
53. Турсунов С. ва б. Сурхандарё тарих кузгусида. — Т: «Шарқ»,2001. -384 б. ( Tursunov S. and b. Surkhandarya is in the mirror of history. — T: "Shark", 2001. -384 p.)
54. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхандарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б. (Tursunov S., Kabilov E., Pardaev T., Murtazoev B. Surkhandarya is in the mirror of history. - Tashkent: Sharq, 2001. - 384 p.)
55. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхандарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – 608 б. (Tursunov S., Kabilov E., Murtazoev B., Pardaev T. History of Surkhandarya. - Tashkent: Sharq, 2004. - 608 p.)
56. Турсунов С. ва бошқ. Сурхандарё – этнографик макон. –Тошкент: Академнашр, 2012. (Tursunov S. and others. Surkhandarya is an ethnographic place. -Tashkent: Academy, 2012.)
57. Турсунов С.Н. “Унитилмас жасорат”. -Т., 1995. Тошкент, 1995, “Ўзбекистон”. Турсунов С.Н. “Сурхандарё тарих кузгусида». -Т., Шарқ, 2001. (Tursunov S.N. "Indomitable courage." -T., 1995. Tashkent, 1995, "Uzbekistan". Tursunov S.N. "Surkhandarya in the mirror of history". -T., Shark, 2001.)
58. Турсунов С.Н. “Шерободликлар”. Тошкент., “А.Навоий» номидаги ЎзМ кутубхонаси”, 2007. Турсунов С.Н. ”Жарқўрғон”. Тошкент, “Фан”. 2008. (Tursunov S.N. "Winemakers". Tashkent., "UzM library named after A. Navoi", 2007. Tursunov S.N. "Zharkurgan". Tashkent, "Fan". 2008)
59. Турсунов С.Н. “Денов”. Тошкент, “Фан”, 2009. Турсунов С.Н. “Хотира барҳаёт –Кадр мангу” Тошкент., “Фан”. 2010 ( Tursunov S.N. "Denov". Tashkent, "Fan", 2009. Tursunov S.N. "Memory is alive - Qadr mangu" Tashkent., "Fan". 2010)

### Архив ҳужжатлари

#### Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви:

1. Р-18-фонд-Ўрта Осиё совхозлар қурилиши бош бошқармаси архиви фондлари: инв-7, инв-25-86, инв-627, инв-987, инв-4473, инв-15901.
2. Ф- 25-фонд – Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети.

3. 2.Р-86-фонд-Ўзбекистон ССР Ишчи, деҳқон ва қизил аскарлар депутатлари Марказий Ижроия комитети (ЦИК УзССР).  
**Сурхондарё вилояти давлат архиви**
4. Ф-1-фонд-ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви.
5. Ф-3-фонд- Сурхондарё вилоят давлат архиви/
6. Ф-5-фонд- Ишчи –деҳқон ва Қизил армиячи депутатларининг Термиз шаҳар совети ижроия кўмитаси молия бўлими.
7. Ф-11-фонд-Турдавойных советых Шерабадский. 157 ЭДХР 1945-1972 года. 5.Ф- 76-фонд – Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси.
8. Ф-77-фонд - Сурхондарё меҳнаткашлари депутатлари ижроия кўмитаси соғлиқни сақлаш бўлими.
9. Ф-89-фонд-Сурхондарё округ ишчи, деҳқон ва қизил армия депутатлари совети ижроия кўмитаси халқ таълими бўлими.
10. Ф- 90-фонд-Сурханьдарынский область..1851 ЭДХР 1941-1961 ГОДА.
11. Ф-91-фонд- Сурхондарё округ қишлоқ хўжалиги кооперацияси союзи (окрсельсоюз).
12. Ф-112-фонд- Сурхондарё вилоят давлат архиви.

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000